

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Ўсимликшунослик кафедраси

5620200 – Агрономия (дала экинлари бўйича) йўналиши
бакалавриат 4-49 гуруҳ талабаси

Жўраев Бегзод Турғуновичнинг

Мавзу: “Ўзани дефолиация қилишнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири”

Илмий раҳбар:

Ўсимликшунослик кафедраси
доценти

Р.Рўзметов

Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди:

Ўсимликшунослик кафедраси
мудири, доцент

Агрономия факультети декани,
доцент _____ Х.Алланов

_____ И.Исраилов

« _____ » _____ 2014 йил

« _____ » _____ 2014 йил

Тошкент – 2014 йил

МУНДАРИЖА

| | | |
|------------|---|----|
| КИРИШ..... | | 3 |
| I | АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ..... | 6 |
| II | ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ, ТИЗИМИ ВА УСЛУБИ..... | 17 |
| 2.1. | Тажриба ўтказиш шароити..... | 17 |
| 2.2. | Тажириба тизими ва ўтказилган агротехник тадбирлар..... | 20 |
| III. | Асосий қИСМ..... | 24 |
| 3.1. | Қўлланилган дефолиантларнинг қисқача тавсифи..... | 24 |
| 3.2. | С 6524 ғўза навининг биологик тавсифи..... | 25 |
| 3.3. | Дефолиациядан олдинги ўсимликларни биологик ҳолати..... | 27 |
| 3.4. | Дефолиациядан олдин ғўза барг юзасини ўзгариши..... | 29 |
| 3.5. | Дефолиантларнинг ғўза барглари тўкилиши ва кўсақларни очилишига таъсири..... .. | 31 |
| 3.6. | Бир кўсақдан чиқадиган пахтасини вазнининг ўзгариши..... | 34 |
| 3.7. | Ғўзанинг ҳақиқий кўчат қалинлиги..... | 38 |

| | | |
|------|--|----|
| 3.8. | Пахта толасининг технологик хусусиятларининг ўзгаришига маъдан ўғитлар ва дефолиантларни қўллаш меъёрларининг таъсири..... | 41 |
| | ХУЛОСАЛАР | 43 |
| | Фойдаланилган адабиётлар | 44 |

К И Р И Ш

Республикамиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи пахтачилик ҳисобланади. Дунёда пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича республикамиз бешинчи ўринда туради. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш керакки, юқори сифатли ва харидоргир пахта толаси ишлаб чиқариш учун деҳқончилик тизимида ўзига хос муайян агротадбирларини амалга ошириш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалигини юксалтирмасдан туриб мамлакат иқтисодиётини ривожлантириб бўлмайди.

Ҳозирги кунда ғўза селекцияси олимлари томонидан тезпишар, тола сифати ва чиқими юқори, ҳар хил касалликларга чидамли ғўза навлари яратилган ва яратилиб келинмоқда.

Аммо, пахта ҳосилини териб олишдан аввал ғўза барглари сунъий туктириш яъни, дефолиация тадбири ғўза агротехникаси тадбирлари ичида алоҳида ўрин тутди. Чунки, тезпишарлиги турлича бўлган ўрта ва ингичка толали ғўза навларида ўз вақтида ўтказилган кимёвий баргсизлантириш-дефолиация, кўсаклар очилишини тезлаштиради, юқори сифатли тола миқдорини оширади, тола ва кўсакларнинг чиришини бартараф қилиб, етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай териб олинишини таъминлайди. Маълумки, ўз вақтида ва сифатли ўтказилган дефолиация таъсирида ғўза барглари тўкилиши билан бирга, ғўза қатор орасида ҳаво айланиши яхшиланади, ҳарорат ошади, тупроқ ва ҳаво намлиги пасаяди, ўсимлик қуёш нури ва ёруғликдан самарали фойдаланади. Дефолиантлар таъсирида ғўза баргида фотосинтез жараёни бузилиб, ўсимликнинг нафас олиши тезлашади, фотосинтез маҳсулдорлиги пасайиб, баргда умумий ва эркин сув миқдори кескин камаяди

(Тешаев, 2006 й). Фотосинтез жараёни бузилгач, барг банди билан поянинг туташган жойида ажратувчи қатлам ҳосил бўлгунча, баргдаги озуқа моддалар ғўза кўсакларига силжий бошлайди.

Дефолиантлар таъсирида ёш, энди етилаётган кўсаклар керакли озуқани қисқа муддатда ўзлаштириб, тўлиқ етилади.

Ғўза дефолиациясининг самарадорлиги энг аввало дефолиация муддати ва далани тўғри танлашга боғлиқдир.

Айтиш жоизки, ҳамма ғўза навлари ҳам дефолиантларга ёки ҳамма дефолиантлар ҳам турли ғўза навларида бир хил таъсирчанликка эга эмас. Чунки, ҳар бир ғўза нави ўзининг биологик хусусиятига кўра барглари қалин, сербарг ва аксинча бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳамма ғўза навларида ҳам дефолиантларни бир хил меъёрда қўллаш тўғри келавермайди.

Шундан келиб чиқиб, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ўрта толали Наврўз ҳамда С-6541 ғўза навларида янги маҳаллий Полидеф дефолиантининг турли меъёрлари самарадорлигини аниқлаш долзарб масала ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади - Тадқиқотларнинг асосий мақсади Тошкент вилояти типик бўз тупроқлари шароитида ўрта толали С-6524 ҳамда Наврўз ғўза навларида янги маҳаллий Суюқхлорат - магний ва Яничар дефолиантларининг меъёрларининг самарадорлигини ўрганиш ва бу навнинг дефолиантларга таъсирчанлигини аниқлаб, ишлаб чиқаришга аниқ тавсия бериш.

Тадқиқотнинг вазифалари: Мазкур ишни бажариш учун қуйидаги вазифалар олдинга қўйилди;

➤С-6524 ғўза навининг ўсиши ривожланиши ва барг сатҳи юзасини аниқлаш;

➤С-6524 ғўза навининг дефолиация олдидан биологик ҳолатини аниқлаш;

➤С-6524 ғўза навининг дефолиантлар таъсирида барглар тўкилиши ва кўсаклар очилишини аниқлаш;

➤С-6524 ғўза навининг бир дона кўсак пахта вазни ва биринчи терим салмоғига дефолиантларнинг таъсирини аниқлаш;

➤С-6524 ғўза навида дефолиантларнинг пахта ҳосилига таъсирини ўрганиш;

➤С-6524 ғўза нави пахта толасининг технологик хусусиятларига дефолиантларнинг таъсирини аниқлаш;

Илмий ишнинг янгилиги: Тошкент вилоятининг эрозияга мойил типик бўз тупроқлари шароитида парваришланган С-6524 ғўза навида Суюқ ХМД ва Яничар дефолиантининг самарадорлиги ва ушбу ғўза навларининг дефолиантларга бўлган таъсирчанлиги илк бор аниқланди.

I-Боб. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Ўсимликларда модда алмашинувга таъсир этувчи сунъий ингибиторларга, гербицидлардан ташқари, ўсимликлар баргининг тўкилишини тезлаштирувчи моддалар - дефолиантлар (folium - барг) ва ўсимликларни тезда қуритувчи десикантлар ҳам киради.

Аввало биз манашу моддаларни ўсимлик организмига физиологик ва бошқа таъсирлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ўсимликлар баргининг табиий тўкилиши махсус эндоген бирикма – этиленнинг кўп миқдорда тўпланиши билан боғлиқ бўлиб, аксинча ёш, ўсаётган баргларда ауксин миқдори бирмунча кўп ва этилен кам миқдорда бўлади. Барглар бандида ауксин миқдори камаяди, этиленни эса ортиб бориши натижасида баргларни табиий тўкилиб кетишига имкон яратилади.

Ауксинлар - ўсимликлар пояси ва илдизининг ўсаётган учки қисмида ҳосил бўлиб, уларнинг ўсишини активлаштирадиган, асосан индол табиатли бир гуруҳ кимёвий моддадир.

Ю.В.Ракитин 1940 йилда барг ва меваларнинг тўкилиши сабабларини тушунтирувчи ауксин – этилен баланси гипотезасини яратди. Бу гипотезага кўра, барг бандида ажратувчи қисм ҳосил бўлиши синтетик жараёнларнинг сусайиши ва парчаланиш жараёнларининг тезлашиши билан боғлиқ бўлиб, бундай характерга эга бўлган моддалар алмашинуви ҳар доим барг бандида ажратувчи қисм ҳосил бўлишига ва органларининг тўкилиб кетишига имкон яратилишини таъкидлайди.

Дефолиантлар билан ишлов берилганда ғўза баргларида чуқур физиологик ва биохимик ўзгаришлар содир бўлади. Дефолиантлар баргларнинг сув билан таъминланишини пасайтириб, хлорофилл ва каротиннинг синтезини бузилишига олиб келади. Натижада фотосинтез интенсивлигининг кескин пасайиши ва углеводлар миқдорининг камайиши кузатилади Брегетова [12]

Экспериментал равишда тасдиқлашга эришилдики, ажратувчи қатламни

пайдо бўлиш жараёни, дефолиантларнинг сепилиш зонасига ва барг бандига бевосита таъсирига боғлиқ Зубкова, Стонов [27]. Дефолиантларни физиологик таъсирини ўрганишда ҳамма ўзгаришлар комплексини шу моддалар таъсирида фақат барг пластинкасида эмас, балки тўкилиш зонасида ва барг бандида пайдо бўладиган жараёнларни ҳисобга олиш керак.

Дефолиантлар билан ишлов берилган ғўза баргларида азотли моддаларнинг камайиши кузатилиб, умумий азот миқдоридан 0,15% ни ташкил қилган Зокиров [19; 23].

А.И.Имомалиев [29] дефолиантлар билан ишланган ғўза баргларида азотли моддаларнинг алмашинувини ўрганиб, оксил таркибидаги азот миқдори ва баргларнинг тўкилиши орасидаги узвий боғлиқлик борлигига алоҳида эътиборни қаратади. Муаллифнинг таъкидлашича, дефолиантларнинг таъсирида баргларнинг энг кўп тўкилиши дефолиантлар оксилларнинг интенсив парчаланишини таъминлаганда кузатилиб, аминокислота ва аммиак миқдори ҳам кўпаяди.

Тўкилаётган ғўза баргларида ва мева элементларида нуклеин кислотаси ва оксил бирикмаларининг алмашинуви содир бўлиши аниқланди Имомалиев, Охотник [30], Имомалиев, Пак [34].

Тадқиқотчиларнинг фикрларича, барглар тўкилишининг физиологик бошқарувида фитогармонлар ва табиий ингибиторларга мансуб бўлган ауксинларга, цитокининларга, гибберлинларга, этилен ва абецид кислотасига боғлиқ.

Ўсимликлардаги ауксинлар асосан индонил -3 уксус кислотаси ҳолатида бўлиб, барглар тўкилишида аҳамияти катта эканлиги бу жараённи тушунтиришда баён этилган ҳамма гипотезаларда айtilган Кафелли [39].

Ауксинлар ва цитокинлар каби, гиббереллин, оксил ва нуклеин кислоталарининг синтезини кўпайтириш йўли билан ғўза баргларини қаришини секинлаштириши мумкин Кафелли [39].

А.И.Имомалиев, К.А.Акбаров [28] ларнинг тадқиқотларининг кўрсатишича, ғўза баргларида энг кўп тўкилиши баргларидаги оксилли азот миқдори камайиб, оксилсиз азот эса кўпайганда кузатилади.

М.З.Зокировнинг [17; 20] аниқлашича, дефолиантлар таъсирида ғўза баргларида оксилли бирикмаларнинг қисман парчаланиши ва пайдо бўлган маҳсулотларнинг ўсимликнинг бошқа органларига кўчиб ўтиши содир бўлади. Барг бандида оксилли азотнинг камайиши ва аминли азот миқдорининг кўпайиб бориши кузатилади, лекин умумий азот миқдори ўзгармасдан қолади.

Дефолиациядан кейин кўсақлар очилишининг тезлашишини кўпчилик муаллифлар тўкилаётган баргларида ва кўсақларнинг чаноқларидаги физиологик-биологик-кимёвий жараёнларга препаратларнинг таъсири деб тушунтиришади Белоусов [10]).

Шунинг учун, дефолиациянинг мақсади ўсимликни қуритиш эмас, балки ҳосил элементларининг пишиб етилишини ва ғўза баргларида табиий қаришини тезлаштиришдан иборат (Имомалиев, Рахимов, Коблов [33]

Ғўза баргларидаги тўкилишига куз ойларидаги кунлик ёруғлик миқдорининг пасайиши сабаб бўлишини кўпгина олимлар аниқлашган.

Дефолиантлар ғўза баргига теккандан кейин баргнинг сув режими тезда ўзгаради, баргдаги сув миқдори камайдиган (Брегетова [13] Шу билан биргаликда хлорофилл ва каротин миқдори ўзгариб, фотосинтез маҳсулдорлиги пасаяди Наабер, [58; 59]; Агзамов [6].

Ғўза дефолиациясининг самарадорлиги ғўза навларининг биологик характери, ўсимликнинг биологик ҳолати, ҳаво, тупроқ ҳарорати ва намлиги, унумдорлиги, суғориш меъёри ва тартиби, дефолиантларнинг тури, кимёвий таркиби, қўллаш муддати, меъёри ва усулига катта боғлиқдир Закиров [24]; Имомалиев [32];

Ғўза дефолиацияси таъсирида ғўза барглари тўкилиши билан бирга, кўсақлар

пишиб етилиши ва очилишини тезлаштиради, тола чиқимини оширади, ғўзанинг касаллик ва зараркунандаларига қарши курашни енгиллаштиради, 1-терим пахта ҳосилини ва умумий ҳосилни оширади ҳамда сифатини яхшилади, кузги-қишки тадбирларни ўз муддатида бажариш имконини беради Имомалиев, [29]

Ғўза навларининг дефолиантларга таъсирчанлиги турличадир Закиров, Василевский [19]; Имомалиев [32];

1950 йилга келиб юқори самарали дефолиантлар Хлорат магний ва Хлорат натрий ҳамда Хлорат-хлорид кальций топилди. Ўрта Осиё Республикаларида шу йиллардан бошлаб Хлорат магний дефолианти кенг қўлланила бошланди Имомалиев [32] Кўпгина муаллифлар Хлорат магний энг юқори самарали дефолиант ва десикант эканлигини исботлашди Имомалиев [32].

Т.С.Закиров [21] нинг маълумотига кўра, дефолиантлар ғўза далаларидаги зарарли организмларни у ёки бу даражада камайтиради. Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, ўргимчаккананинг миқдорини камайтиришда Хлорат магний пентахлорфенолдан кейин иккинчи ўринда туради. Унинг таъсирида 69,4-79,1% зараркунандалар нобуд бўлади.

Хлорат магний аммиакли селитра билан аралаштириб қўлланилганда самарадорлиги янада ошади Набиев, Данилов, Киселов ва Тухтаев [60].

Т.С.Закиров, Т.Я.Бабаев [23] ларнинг таъкидлашича, ғўзада 2-3 дона кўсак очилганда Бутифос 2,0-3,0 кг/га меъёрда қўлланилганда барг тўкилиши 75,5-86,6%, ҳосилдорлик қўлда терилганда 38,5-38,57, машинада эса 38,22-38,23 ц/га ни ташкил этган.

Экстрел, Композон, Гидрел, Флордемекс ва бошқа препаратлар асоси бир хил бўлган маҳсулотлардан ишлаб чиқарилган. Лекин, Преп ва Финиш препаратлари Рон-Пуленк (Франция) фирмасининг янги маҳсулотларидан ҳисобланади. Бу препаратлар янги ва сифатли маҳсулот бўлиб, барг тўкилиши ва кўсаклар очилишини тезлаштиради. Ўрта Осиёнинг пахта етиштирувчи

давлатларида Композан ва Гидрел дефолиантлари 5,0-7,5 л/га меъёрларда қўлланилганда самарадорлиги юқори бўлади Муромцев., Чканикова, Кулаева, Гамбург [57].

М.Набиев ва бошқалар [61] УДМ препаратлари билан Наманган вилоятидаги хўжаликларда тажрибалар ўтказдилар, бунда фақат Хлорат магний ишлатганга нисбатан ҳосилдорлик 1-2 ц юқори бўлган. Барглар яхши тўкилган, пахта теримни машиналарининг мақбул териши таъминлаган. Шу препаратлар билан ишлаш Бутифосга нисбатан 1,5 маротаба арзонроқ. Бу дефолиантни Хлорат магнийга қараганда 10-12 кун эртароқ қўллаш мумкин, шундай экан, машина теримини ҳам эртароқ бошлашга имконият яратилади Латипов [48].

Т.С.Закиров ва Т.Я.Бабаев [23] лар Самарқанд вилояти шароитида 108-Ф ғўза навида Бутифос дефолиантини синаб кўришганда 2-3 та кўсақлар очилганда дефолиант 1,2-1,8 кг/га меъёрда қўлланилганда барглар тўкилиши 97,0% ни ташкил қилиб, пахта ҳосилига салбий таъсир этмаган.

А. Махкамбаев [50] Андижон вилояти шароитида, ўрта толали Тошкент-1 ғўза навида кўчат қалинлиги 151,2-152,8 минг туп/га, суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 65-70-60% бўлганда Хлорат магнийни 8,0-10,0 кг/га меъёрларда қўллаганда дефолиациядан сўнг 12-кунга келиб барглар тўкилиши 83,2-86,3% га ошганлигини кузатган.

Шунинг учун, дефолиациянинг мақсади ўсимликни қуритиш эмас, балки ҳосил элементларининг пишиб етилишини ва ғўза барглари табиий қаришини тезлаштиришдан иборат Имомалиев, Рахимов, Коблов [33]

Б.Муратов, Т.Аминов, М.Тураевларни [56] олиб борган тадқиқотлари натижаларининг кўрсатишича, Қарши чўли шароитида 175-Ф ғўза навида Дропп 0,5 кг/га меъёрда қўлланилганда самарали бўлиб, 85,0% ғўза барглари тўқдирди.

Р.Ақромов, М.Қурбанов, С.Камаритдинов [8] ларнинг тадқиқотларида Бухоро вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида Бухоро-6 ғўза навида

5-6 та кўсак очилганда Дропп дефолианти 0,4-0,6 кг/га меъёрда қўлланилганда юқори самарадорликка эришилди ва ғўза баргларининг тўкилиши 82,6-95,8% ни ташкил этди.

Тошкент вилояти шароитида Харвейд – 25Ф 2,0 л/га меъёрда ҳамда Преп ва Наход 1,5-2,0 л/га меъёрларда аралашма тайёрлаб қўлланилганда, барг тўкилиши 82,0-85,0% дан ошганлигини таъкидлашган Зоҳидов, Тураев [26].

Ҳ.Абдурахмонов, Ш.Тешаев, А.Тоштемиров [5] лар ЎзПИТИ нинг Самарқанд филиалида ўтказган тажрибаларида дефолиациядан 12-кун ўтгач барг тўкилиши назоратда 34,0%, Хлорат магний қўлланилганда 69,0%, Дропп-Ультрада 64,8-72,8%, Жинстарда 72,8% бўлганлиги, пахта ҳосили эса 2,7-3,3 ц/га га ортганлиги аниқланган.

А.Имомалиев ва У.Наимовлар [40] 108-Ф ва Бухоро-6 ғўза навларида турли дефолиантларнинг аралашмасини ўрганиб, 108-Ф ғўза нави дефолиантлар таъсирига Бухоро-6 ғўза навига караганда таъсирчан экан деган хулосага келишган.

А.Имомалиев ва А.Бахромовлар [39] Уйчи-2 ғўза навида турли чилпиш усуллари фониди Сихат ва Хлорат магний дефолиантлари самарадорлигини ўрганиб, Уйчи-2 ғўза навида Сихатни 14,0 кг/га меъёрда қўллаш кимёвий чилпиш фониди энг юқори самарали эканлигини исботлашган.

Дефолиантлар таъсирининг самардорлиги ўсимликларнинг биологик ҳолатига, об-ҳаво ҳароратига, тупроқ ва ҳаво намлигига, тупроқ унумдорлигига, ўсимликларнинг озикланиш даражасига, дефолиантларни қўллаш меъёри, муддатлари ва усулларига боғлиқ Закиров [24], Имомалиев [32], Закиров, Раҳматов [25]

Биз юқорида дефолиантларнинг турли шакллари ғўза баргининг тўкилишига ва пахта ҳосилига бўлган таъсири юзасидан олинган илмий маълумотларга тўхталдик. Энди эса уларни қўллагандан сўнг толанинг технологик

хусусиятлари ва чигит сифатини ўзгариши ҳақидаги адабий маълумотлар устида сўз юритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

С.И.Кадралиевнинг [41; 42] тасдиқлашича дефолиация кейинги наслда чигитларнинг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир етказмайди. Аксинча, шу таъсирнинг даражаси дефолиация пайтидаги препарат тури, унинг меъёри ва ғўза ўсимликларининг биологик ҳолатига боғлиқ.

У.Мадраимов, К.Шермухамедов, Ж.Қодирхўжаевлар [49] олиб борган изланишлар натижалари шундан далолат берадики, Преп препарати қўлланилган вариантларда толанинг пишиқлиги 4,3-4,4 г.к., метрик номери 165-167, етилганлик коэффеценти 1,9-2,0 ва нисбий узилиш кучи 26,1-26,3 гк. текс. га тенг бўлган бўлса, қиёсий вариантларда бу кўрсаткичлар мос равишда 4,2 г.к., 164, 1,9-2,56 гк. текс ни ташкил қилган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, дефолиантлар таъсирида толанинг технологик кўрсаткичлари анча ўзгарган. Эрта муддатда ишланганда (1-2 та кўсаклар очилганда) назоратга нисбатан толанинг чиқиши ва пишиқлик коэффиценти пасайган, метрик номери эса кўпайган. Бу технологик хусусиятларнинг ёмонлашганлигини кўрсатади.

Л.А.Валицкая [14] маълумотларида, дефолиация қилинган ўсимликларда чигитларнинг ҳамма физиологик-биохимик кўрсаткичларининг пасайиши, ғўзада 1-2 та кўсаклар очилган даврда ишлов бериш чигитларнинг миқдорини кескин камайиши ва уларнинг абсалют оғирлигининг пасайиши баён қилинган.

Т.С.Закировнинг [20] маълумотларига кўра, ўсимликларда мақбул муддатларда дефолиация ўтказилганда, 1000 дона чигитнинг оғирлигини оширади, мағиз чиқишини кўпайтиради.

А.И.Имомалиев ва бошқаларнинг [37] аниқлашларича, дефолиантлар ғўза чигитидаги нуклеин кислоталарнинг метоболизмига таъсир қилади. 30-40 кунлик ёшга етган чигитларнинг мағизларида дефолиантлар ва десикантлар таъсирида

нуклеин кислоталарнинг таркибидаги умумий фосфор миқдори, ҳамда ДНК ва РНК фосфорининг миқдори камаяди. Маълум бўлишича, РНК фосфори ДНК никига нисбатан кўпроқ даражада камаяди. Шу боис тажриба вариантыдаги 30-40 кунлик чигитларнинг мағзидаги РНК, ДНК нисбатлари назорат вариантыга нисбатан камаяди. 50-60 кунлик кўсаклардаги чигитларнинг мағизларида эса бу ҳамма кўрсаткичларнинг миқдори кўпроқ бўлади.

А.И.Имомалиев ва П.К.Борьётосларнинг [36] аниқлашларича, Бутифос ва Магний хлорат таъсирида 20-45 кунлик ёшдаги кўсакларнинг чигитларида оксиллар миқдори назоратга нисбатан камаяди. 45 кунлик ёшдан кўпроқ бўлган чигитларда эса аксарият дефолиантлар таъсирида захирадаги оксилларнинг миқдори кўпайган.

А.И.Имомалиевнинг [32] аниқлашича, чигитларнинг абсолют оғирлигининг пасайиши асосан ёғ миқдорининг ва оксил бирикмаларининг камайиши ҳисобига содир бўлади. Углеводлар эса ҳамма ярусларнинг чигитларида етарли миқдорда бўлади. Улар (муаллифнинг фикрича) ёғларнинг биосинтези ва оксил бирикмаларига тулиқ сарфланмайди, чунки фосфорли ва азотли бирикмаларни ўзанинг ёш кўсакларига оқиб келишининг кечикишидан содир бўлади. Чигитларнинг энг муҳим биологик хусусиятларидан, уларнинг экиш сифатларини баҳолашда, кўкариб чиқиш энергияси ва унувчанлиги бўлган кўрсаткичлари ҳисобланади.

Шу масала бўйича кўп ишлар чоп этилган, бу ишларда чигитларнинг кўкариб чиқиш энергияси ва унувчанлигига ҳосилни йиғиб териб олишдан олдин ўза баргларини тўктиришнинг ижобий таъсири тасдиқланган.

Л.Г.Брегетова [12], В.Г.Кулоченко [45; 46], С.И.Кадралиев [41; 42], К.А.Акбаров А.И.Имомалиев [7] ва бошқаларнинг кўрсатишича, мақбул муддатларда ўтказилган дефолиация, чигитларнинг биологик пишишининг бошланишига кўпроқ, қулай шароит яратиб чигит кўкариб чиқиш энергиясини ва

унувчанлигини оширади.

М.В.Куликованинг [47] тажрибаларида кўпчилик ўсимликларда биттадан кўсак очилгандан кейин 10-14 кун ўтгач дефолиация қилинганда ғўза чигитларининг оғирлигига ва кўкариб чиқиш энергиясига ижобий таъсир этди.

Л.Ф.Колоярова, Х.Л.Рахимовалар [44] лар дефолиация қилинган ғўза чигитларларида намлик, назорат вариантларидагига нисбатан оз эканлигини аниқлаганлар. Дефолиация қилинган ғўза чигитлари пўстининг ранги билан аниқланадиган морфологик пишиши бўйича ҳам назорат вариантыдаги чигитлар намлигининг ортиши мағиз намлиги ҳисобига эмас, балки пўстининг ҳисобига бўлади деган хулосага келишган.

Адабиётлар шарҳини шу ерда тўғатар эканмиз, турли тупроқ-иқлим шароитларида ва ғўза навларида қўлланилган дефолиантларнинг самарадорлиги бўйича олинган илмий маълумотлар уларнинг ижобий таъсири юқори эканлигини кўрсатади.

Лекин айтиш жоизки, биз ўрганаётган агротадбир (суғориш тартиблари) ларга боғлиқ ҳолда дефолиантларни мақбул меъёрлари ҳақидаги маълумотлар жуда оз, бу эса мавзунинг долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўсимликларда модда алмашинувга таъсир этувчи сунъий ингибиторларга, гербицидлардан ташқари, ўсимликлар баргининг тўкилишини тезлаштирувчи моддалар - дефолиантлар (*folium* - барг) ва ўсимликларни тезда қуритувчи десикантлар ҳам киради.

Аввало биз манашу моддаларни ўсимлик организмига физиологик ва бошқа таъсирлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ўсимликлар баргининг табиий тўкилиши махсус эндоген бирикма – этиленнинг кўп миқдорда тўпланиши билан боғлиқ бўлиб, аксинча ёш, ўсаётган баргларда ауксин миқдори бирмунча кўп ва этилен кам миқдорда бўлади. Барглар бандида ауксин миқдори камаяди, этиленни эса ортиб бориши натижасида

баргларни табиий тўкилиб кетишига имкон яратилади.

Ауксинлар - ўсимликлар пояси ва илдизининг ўсаётган учки қисмида ҳосил бўлиб, уларнинг ўсишини активлаштирадиган, асосан индол табиатли бир гуруҳ кимёвий моддадир.

Дефолиантлар билан ишлов берилганда ғўза баргларида чуқур физиологик ва биохимик ўзгаришлар содир бўлади. Дефолиантлар баргларнинг сув билан таъминланишини пасайтириб, хлорофилл ва каротиннинг синтезини бузилишига олиб келади. Натижада фотосинтез интенсивлигининг кескин пасайиши ва углеводлар миқдорининг камайиши кузатилади.

Экспериментал равишда тасдиқлашга эришилдики, ажратувчи қатламни пайдо бўлиш жараёни, дефолиантларнинг сепилиш зонасига ва барг бандига бевосита таъсирига боғлиқ. Дефолиантларни физиологик таъсирини ўрганишда ҳамма ўзгаришлар комплексини шу моддалар таъсирида фақат барг пластинкасида эмас, балки тўкилиш зонасида ва барг бандида пайдо бўладиган жараёнларни ҳисобга олиш керак.

Тадқиқотчиларнинг фикрларича, барглар тўкилишининг физиологик бошқарувида фитогармонлар ва табиий ингибиторларга мансуб бўлган ауксинларга, цитокининларга, гибберлинларга, этилен ва абесид кислотасига боғлиқ.

Ўсимликлардаги ауксинлар асосан индонил -3 уксус кислотаси ҳолатида бўлиб, барглар тўкилишида аҳамияти катта эканлиги бу жараённи тушунтиришда баён этилган ҳамма гипотезаларда айтилган .

Ауксинлар ва цитокинлар каби, гиббереллин, оксил ва нуклеин кислоталарининг синтезини кўпайтириш йўли билан ғўза баргларини қаришини секинлаштириши мумкин .

Дефолиациядан кейин кўсаклар очилишининг тезлашишини кўпчилик муаллифлар тўкилаётган баргларда ва кўсакларнинг чаноқларидаги

физиологик-биологик-кимёвий жараёнларга препаратларнинг таъсири деб тушунтиришади .

Шунинг учун, дефолиациянинг мақсади ўсимликни қуритиш эмас, балки ҳосил элементларининг пишиб етилишини ва ғўза баргларини табиий қаришини тезлаштиришдан иборат .

Ғўза баргларининг тўкилишига куз ойларидаги кунлик ёруғлик миқдорининг пасайиши сабаб бўлишини кўпгина олимлар аниқлашган.

Дефолиантлар ғўза баргига теккандан кейин баргнинг сув режими тезда ўзгаради, баргдаги сув миқдори камаяди. Шу билан биргаликда хлорофилл ва каротин миқдори ўзгариб, фотосинтез маҳсулдорлиги пасаяди. Ғўза

дефолиациясининг самарадорлиги ғўза навларининг биологик характери, ўсимликнинг биологик ҳолати, ҳаво, тупроқ ҳарорати ва намлиги, унумдорлиги, суғориш меъёри ва тартиби, дефолиантларнинг тури, кимёвий таркиби, қўллаш муддати, меъёри ва усулига катта боғлиқдир

Ғўза дефолиацияси таъсирида ғўза барглари тўкилиши билан бирга, кўсақлар пишиб етилиши ва очилишини тезлаштиради, тола чиқимини оширади, ғўзанинг касаллик ва зараркунандаларига қарши курашни енгиллаштиради, 1-терим пахта ҳосилини ва умумий ҳосилни оширади ҳамда сифатини яхшилайдди, кузги-қишки тадбирларни ўз муддатида бажариш имконини беради .

Биз юқорида дефолиантларнинг турли шаклларини ғўза баргининг тўкилишига ва пахта ҳосилига бўлган таъсири юзасидан олинган илмий маълумотларга тўхталдик. Энди эса уларни қўллагандан сўнг толанинг технологик хусусиятлари ва чигит сифатини ўзгариши ҳақидаги адабий маълумотлар устида сўз юритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, дефолиантлар таъсирида толанинг технологик кўрсаткичлари анча ўзгарган. Эрта муддатда ишланганда (1-2 та кўсақлар очилганда) назоратга нисбатан толанинг чиқиши ва пишиқлик

коэффициенти пасайган, метрик номери эса кўпайган. Бу технологик хусусиятларнинг ёмонлашганлигини кўрсатади.

Шу масала бўйича кўп ишлар чоп этилган, бу ишларда чигитларнинг кўкариб чиқиш энергияси ва унувчанлигига хосилни йиғиб териб олишдан олдин ғўза баргларини тўктиришнинг ижобий таъсири тасдиқланган.

Лекин айтиш жоизки, биз ўрганаётган агротадбир (суғориш тартиблари) ларга боғлиқ ҳолда дефолиантларни мақбул меъёрлари ҳақидаги маълумотлар жуда оз, бу эса мавзунинг долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди.

II. ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ, ТИЗИМИ ВА УСЛУБИ

2.1 Тажриба ўтказиш шароити.

Бизнинг тажриба ўтказган дала тупроғининг дастлабки агрохимёвий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар 2.1.1 жадвалда келтирилган бўлиб, тупроқнинг хайдалма қатлами (0-30см) умумий чиринди миқдори 1.102% ни, азот 0,106% фосфор 0.115%ни ташкил қилган ҳолда $N-NO_3-34.9$ $P_2O_5-37.2$ $K_2O- 260$ мг/кг эканлиги аниқланди .

Дефолиация ғўзада 45-50% кўсаклар очилганда ўтказилади. Далада тажрибалари ўтказиш услуги (2008) қўлланмалари асосида олиб борилди.

Пахта хосили вариантларда ва қайтариқлар бўйича аниқланди. Тупроғи озиқа унсурларининг ҳаракатчан шакллари билан ўртача таъминланганлиги маълум

бўлди.

2.1.1.жадвал

Типик бўз тупроқларни дастлабки агрохимёвий хусусиятлари.

| Тупроқ қатламлари см | Умумий шакллари,% | | | Харакатчан шакллари мг/кг | | |
|----------------------|-------------------|-------|--------|---------------------------|------------------|-----------------|
| | чиринди | азот | фосфор | N ₀₃ | P ₂₀₅ | K ₂₀ |
| 0-30 | 1,102 | 0,106 | 0,115 | 34,9 | 37,2 | 260 |
| 30-50 | 0,997 | 0,087 | 0,92 | 26,0 | 20,0 | 200 |

ЎзПИТИ нинг МТХ да дала тажрибаси эскидан суғорилиб деҳқончилик қилиб келинаётган типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг С6524 навида олиб борилган Дефолиация ғўза кўсакларининг 45-50% очилганда ўтказилди.

Тажриба 7 вариантдан иборат бўлиб, 3 қайтарик 1 ярусли бўлиб жойлаштирилади. Тажриба вариантларини эни 2,4 м. Узунлиги 10 м ни майдони 240м² ни ташкил этади.

Биз изланишларни ЎзПИТИ да қабул қилинган услублари асосида “Методика полнвѣх опытов с хлопчатником” (1981); Дала тажрибаларини тажриба барча изланишлар услублари; (2007й) “Ќўза дефолиантларини синовии услуби ва кўрсатмалари” (1993) каби қўлланмалар асосида олиб бордик.

Бизнинг дала тажрибаларимиз Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган Ўз ПИТИ нинг Марказий тажриба хўжалиги далаларида ўтказилди.

Тошкент вилояти эскидан суғориб деҳқончилик қилиб келинадиган воҳалардан бири бўлиб, воҳа ҳудудига Ўзбекистоннинг Чирчиқ дарёси эгаллайдиган майдон, Оҳангарон ва Сирдарёнинг Қозоғистондаги ўнг ирмоғи кириб, бу ҳудуд Тошкент тоғ олди оралиғини эгаллайди ва шарқ томондан тоғлар билан чегараланган.

Суғориш тармоқлари учта мустақил: Чирчиқ; Оҳангарон ва Келес дарёларининг ҳавзаларидан ташкил топган бўлиб, кўп йиллик сув оқими 268 м³/с ни ташкил этиб, унинг кўпчилиги (82%) қисми Чирчиқ дарёсига тўғри келади.

Тошкент вилоятининг жойлашиш ўрни Қаржантов, Чотқол, Қурама тоғ тизимлари ёнбағирларида ва юқори паласаларида сизоб сувининг сатҳи рельефига қараб 10-20 м чуқур жойлашган.

Вилоятнинг суғориб деҳқончилик қилиб келинадиган умумий майдонини 63,3% и бўз, 23,4% и ўтлоқ ва 13,3% и ўтлоқи-ботқоқ ҳамда ботқоқ тупроқлардан иборат бўлиб, асосий қисми бўз тупроқлардан ташкил топган.

Тошкент вилоятининг эскидан суғориб деҳқончилик қилинадиган туманлари типик, оч ва тўқ тусли бўз эрозияга мойил тупроқлардан иборат. Тошкент вилоятининг иқлим шароити кескин континентал, қишда кескин ўзгарувчанлиги, ёзда ҳароратнинг юқорилиги, қуруқликда қор қатламининг сақланиш даври камлиги, буғланишнинг юқорилиги шимолий-шарқ йўналиши бўйича шамолнинг эсиб туриши билан бошқа минтақаларидан ажралиб туради.

Дала тупроғи эрозияга мойил типик бўз бўлиб, озиқа унсурлари билан кам даражада таъминланган.

Маълумки, дефолиация самарадорлигига ушбу тадбирни ўтказилаётган пайтдаги ҳаво-ҳарорати катта аҳамиятга эгадир. Чунки, дефолиация давридаги ўртача суткалик ҳаво ҳарорати пасайса, ғўзанинг физиологик активлиги сусаяди, натижада дефолиантларнинг баргларга таъсири пасаяди (Пахтачилик сиправочниги 1989).

Бу бўйича олинган маълумотларга кўра, ҳаво ҳарорати январ, феврал ойларида кўп йиллик (0,2 ва 2,3⁰С) дан баланд (3,2 ва 6,1⁰С) бўлиб, ёғин миқдори январ ойида 36,0 мм ни ва феврал ойида 105,6 мм. ни ташкил этди.

Шуни таъкидлаш керакки, жорий йил баҳор ойлари жуда серёғин келиб, ҳаттоки июнь ойигача давом этди. Чунончи, ёғингарчилик март

ойида ўртача 103,5 мм ни, апрелда 126,4 мм ни, май ойида 45,6 мм ни ва июнь ойида эса 16,3 мм ни ташкил этиб, асосий ёғингарчилик апрел ойида бўлиб, 126,4 мм ни ташкил қилди, бу ўртача кўп йиллик (72,0 мм) дан 54,4 мм га юқори бўлди. Шу боисдан ерга чигит қадаш ишлари 15-20 кунга орқага сурилди. Ёз ойларида ҳаво ҳарорати ўртача кўп йилликдан паст бўлмаган ҳолда, 24,4-27,2-25,3 °C ни, куз ойларида эса кўп йилликдан бироз юқори бўлганлиги боис кеч бўлсада ғўза ниҳоллари яхши ривожланиб энг сўнги агротехник тадбирлардан бири бўлган ғўза дефолиациясини ўтказишга имкон туғилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, дефолиация самарадорлигига кунлик ҳаво-ҳарорати жуда ҳам муҳим ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, жорий йил чигит экиш ишлари бироз орқада сурилганлиги сабабли дефолиацияни ҳам бироз кечроқ яъни 20 сентябрда ўтказишга тўғри келди. Чунки, белгиланган (45-50% кўсак очилганда) муддат шу санага тўғри келди.

ЎзПТИ филиаллари шароитида ҳам шунга яқин об-ҳаво бўлганлигидан далолат бериб, ғўза ниҳоллари самарали ҳаво-ҳароратини асосан июль-август ойларида олганлиги ва гарчи кечроқ бўлсада самарали ҳарорат дефолиация ўтказиш даврида етарли бўлганлиги маълум бўлди.

2.2. Тажириба тизими ва ўтказилган агротехник тадбирлар.

2.2.1-жадвал

2.2.1. Тажириба тизими ва агротехникаси.

| № | Назорат | Қўллаш меъёри кг л/га | Кўчат қалинлиги |
|---------------|-----------|--------------------------|-----------------|
| (15-20 апрел) | | | |
| 1 | Назорат | ---- | 80-90 минг/га |
| 2 | Суюқ -ХМД | 7,8 | |
| 3 | Суюқ -ХМД | 8,0 | |
| 4 | Суюқ -ХМД | 9,0 | |
| 5 | Яничар | 0,10 | |
| 6 | Яничар | 0,15 | |
| 7 | Яничар | 0,20 | |

-Олинган пахта ҳосилининг маълумотларига Б. Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмаси асосида дисперсион таҳлил усулида математик ишлов берилди.

-Тажириба даласида ҳақиқий кўчат қалинликлари барча вариантларда қайтариқлар бўйича аниқланди.

Тошкент вилоятида олиб борилган тажириба далаларида агротехник тадбирлар хўжаликда қабул қилинган умумий агротехник тадбирлар асосида олиб борилди. 2008 йилда олиб борилган агротехник тадбирлар (2.2.2.-жадвал) да тўлиқ кўрсатиб утилган.

Жадвалдаги маълумотлар кўрсатиб турганидек, жорий йилда юқори ҳосил олишни таъминлаш мақсадида (23.11.07) санадан фосфорли ва калийли миенерал ўғитлар шудгордан олдин тажириба майдончасига солинди, 24.11.07. й. кунидан

сифатли шудгорлаб қўйилди. Эрта баҳорги ишлар 15.03.08 й. кунидан дала тажриба ишлари олиб борилди, 05.04.08 й. Кунни ердаги намни ушлаб қолиш учун тажриба майдончамизга мола босилди, ғўзанинг С-6524 нави 20-апрелдан 60x15x1 схемада экилди. 1.06.08 й. Кунни ғўза ниҳоллари чиқмаган жойларига ола экилди. Ғўза ўсимлигимиз бугун вегетация даври давомида жами 5 маротаба суғорилган бўлиб, сув сарфи қуйидагича тақсимланди, 750-800 м³, 800- 850. Ғўзани суғориш ишлари 10.06.08.й., 20.06.08.й., 10.07.08.й., 10.08.08.й., 25.08.08.й. кунлари амалга оширилди. Тажрибамизда ғўза ўсимлигининг бутун вегетация даври давомида 5 маротаба фенологик кузатув ишлари амалга оширилган бўлиб, бунда битта вариантдан 25 тадан ўсимлик танлаб олинди, шу ўсимликларни токи ҳосили пишиб етилиб териб олинганга қадар кузатиб борилди. Фенологик кузатув ишлари 2008 йилнинг 05.06.08, 05.07.08., 01.09.08, 10.09.08., 24.09.08. кунларида амалга оширилди.

Тажрибамизда ўстирилаётган ғўза ўсимлигининг қатор ораси вегетация давомида 6 маротаба культивация билан ишланди, бунда ўсимликнинг ҳолатига қараб қуйидагича 10-12см, 12-14см, 15-16см чуқурликда культивация қилинди. Культивация билан ишлаш 2008-йилнинг 06.06.08., 28.06.08., 20.07.08 ва бундан таўқари ҳар суғоришдан кейин ғўза қатор оралариги ишлов бериш ишлари амалга оширилди. Кунлари амалга оширилди. Ғўза ўсимлигининг амал даври давомида тупроқда ҳаво айланишини яхшилаш ва ғўза ўсимлигини бегона ўтлардан тозалаш мақсадида икки марта ғўза чопиғи ўтказилди чопиқ; ЎзПИТИ лабарантларининг ёрдами билан ўтказилди, ғўза чопиғи 2008-йилнинг 15.06.08., 23.07.08. кунларида ўтказилди. Тажрибамизда ўстирилаётган ғўза ўсимлигининг вегетация даври давомида икки маротаба ўғитлаш ишлари амалга оширилган бўлиб, биринчи ўғитлаш ишлари 18.06.08.й. кунда ўтказилди, бунда гектарига N-70кг/га меъёрида берилди. Иккинчи ўғитлаш 07.07.08.й. кунда ўтказилган бўлиб, бунда гектарига N-80 кг/га меъёрида берилди. Тажрибамизни ўғитлашда ЎзПИТИнинг МТП

тракторлари ёрдамидан фойдаландик.

Тажрибамизда ўстирилаётган ғўза ўсимлиги июль ойининг иккинчи декадасида гуллаб, кўсакка кира бошлади. Биз бу пайтда ғўзанинг бундан кейинги амал даври давомида ғўза қатор орасига ишлов бериб бўлмаслигини назарда тутган ҳолда ғўза қатор орасига энг охириги ишловни ўтказдик, яни бунда ғўза қатор орасидаги жуякларни кенг ва чуқур олиш кераклигини ҳисоб қилган ҳолда 2008-йилнинг 28.07.08. куни 20 см чуқурликда жуяк олинди.

Ўза ўсимлигини бегона ўсимликлардан тозалаш мақсадида 2008- йилнинг 07.08.08. кунида ЎзПТИТИ нинг "Ўсимликлар физиологиясини ўрганиш бўлими"да лабарант лавозимида ишловчи ходимлар билан ғўзани бегона ўтлардан тозалаш ва ғўза поялари орасида ҳаво айланишини яхшилаш мақсадида ўтоқ қилдик.

2008-йилнинг 20.09.08. кунидан бошлаб пахта теримига тайёргарлик бошлаб юборилди, бунда биз вариантларни химоядан ажратиб туриш учун йўлакчалар очиб, ҳар бир вариант бошига қоқиб белгилаб қўйилган қозикдаги қозикчаларни янгиладик ва вариант ичидаги делянкаларнинг бошида турган ғўза ўсимлигининг энг учига пахта боғлаб, теримчилар адашмаслиги учун барча чора ва тадбирлар ўтказилди.Тажрибамизни агротехник тадбирлари тўғрисида 2.2 жадвалида келтириб ўтамыз.

2.2.2-жадвал

ЎзПТИТИ МТХ даги тажриба олиб борилган агротехник тадбирларнинг руйхати.

(ЎзПТИТИ маълумоти)

| № | Бажариладиган иш | Иш сифати | Техника маркаси | Ой/кун |
|----|------------------|-----------------------------|--------------------|----------|
| 1. | Ўғитлаш | P205-60кг/га K20-50кг/га | ТТЗ-80 УВХ | 23.11.07 |
| 2. | Шудгорлаш | 35-40см | ТТЗ-80 ПЯ 3-35 | 24.11.07 |
| 3. | Чизеллаш | 15см | ТТЗ-80 Чилел | 15.03.08 |
| 4. | Мола босиш | Нам ушлаш | ТТЗ-80 Мола | 05.04.08 |
| 5. | Экиш | 4-5 см чуқур ликда | ТТЗ-80 ЧХТ-4 | 20.04.08 |

| | | | | |
|-----|--------------------------------|--------------------------------------|--------------|----------|
| 6. | Ола экиш | Оласига | Қўлда | 1.06.08 |
| 7. | 1-Суғориш | 750-800 м ³ | Жуяк орқали | 10.06.08 |
| 8. | Фенологик кузатув | Х,ар бир вариантдан 25 тадан ўсимлик | Лабарантлар | 05.06.08 |
| 9. | 1-Культивация | 10-12 см | КРХ-4 | 06.06.08 |
| 10. | 1-Чопиқ килиш | Майда чопиқ | Кетмон | 15.06.08 |
| 11. | 1 -Ўғитлаш | N-70Кг/га | КРХ-4 | 18.06.08 |
| 12. | 2-Суғориш | 800-850 м ³ | Жуяк орқали | 20.06.08 |
| 13. | 2-Культивация | 12-14 см | КРХ-4 | 28.06.08 |
| 14. | Фенологик кузатув | Хар бир вариантдан 25 тадан ўсимлик | Лабарантлар | 05.07.08 |
| 15. | 2-Ўғитлаш | N-80 кг/га | КРХ-4 | 07.07.08 |
| 16. | 3-Суғориш | 1000-1050 м ³ | Жуяк орқали | 10.07.08 |
| 17. | 3-Культивация | 15-16 см | КРХ-4 | 20.07.08 |
| 18. | 2-Чопиқ килиш | Майда чопиқ | Кетмон | 23.07.08 |
| 19. | Чуқур жуяк олиш | 20см | МТЗ-80 | 28.07.08 |
| 20. | Уток килиш | Бегона ўтларга қарши | Қўлда | 07.08.08 |
| 21. | 4- Суғориш | 1000-1050 м ³ | Жуяк орқали | 10.08.08 |
| 22. | 5- Суғориш | 1100-1150 м ³ | Жуяк орқали | 25.08.08 |
| 23. | Фенологик кузатув | Ҳар бир вариантдан 25 тадан ўсимлик | Лабарантлар | 01.09.08 |
| 24. | Дефолиация килиш | Суяқ ХМД-7л/га, Яничар-0, 10 л/га | Қўл аппарати | 03.09.08 |
| 25. | Фенологик кузатув | Ҳар бир вариантдан 25 тадан ўсимлик | Лабарантлар | 10.09.08 |
| 26. | Далани пахта теримига тайёрлаш | Йўлаклар очиш | Лабарантлар | 20.09.08 |
| 27. | Фенологик кузатув | Ҳар бир вариантдан 25 тадан ўсимлик | Лабарантлар | 24.09.08 |
| 28. | Пахта терими | 1-терим | Лабарантлар | 26.09.08 |
| 29. | Пахта терими | 2-терим | Лабарантлар | 15.10.08 |
| 30. | Далани ғўзапоялардан | Қўлда | Лабарантлар | 25.10.08 |

| | | | | |
|--|----------|--|--|--|
| | тозалаш. | | | |
|--|----------|--|--|--|

3. Асосий қисм

3.1. Қўуланилган дефолиантларнинг қисқача тавсифи.

Ҳозирги пайтда Республикамизни турли тупроқларида куйидаги дефолиантлар қўуланилмоқда, Сардор, Жинстар, Далрон супер, Яничар, Регрон супер, Авгурон экистра, Суюқ ХМД, ва Хлорий-магний. Бу дефолиантларнинг ҳар бирини турли хил муддатларда ва меъёрларини олимларимиз томонидан ўрганиб чиқилиб Республикамизда фаолият кўрсатиб келаётган фермер хўжалигиларга ўз тавсияларини беришмоқда. Лекин дефолиантлар қўлланилганда ғўза навига ҳам катта этибор беришимиз лозим. Шунинг учун ҳам мен ўз битирув малакавий ишимни ғўза навининг С6524 навига Яничар ва Суюқ ХМД дефолианта таъсирини ўрганиб чиқдим. Энди Республикамизда қўлланилаётган дефолиантларнинг қисқача тавсифларини баён қиламиз.

Хлорат-магний -Таркибида 58-60% таъсир қилувчи рангсиз кислотали модда бўлиб, 6 молекула туз ҳолида $MgCl_2 + 6 H_2O$ чиқарилади, сувда яхши эрийди, нам тортиш хоссаси кучли, шунинг учун уни қуруқ жойда нам ўтказмайдиган қопга сақлаш зарур. Ғўза ривожини ҳамда ҳаово ҳароратига қараб ўрта толали ғўза навларида гектарига 8-12 кг, индика толали навларида гектарига 14-18 кг; десикатция учун 25-30 кг/га меъёрда ишлатилади.

Сардор 52 % суюқ -ЎзР ФА нинг Умумий ва Ноарганик кимё институтида яратилган, таъсир этувчи моддаси Хлорат натрий+2 хлорэтилфосфонат моноэтаноламмоний. Дефолиантини ғўзада 40-45% кўсаклар очилганда 7,0-8,0 л/га меёрларида қўллаш таъвсия этилади.

Сардор дефолианти-суюқлик бўлиб, оч сарғиш рангда, ҳидсиз, захарлик даражаси жуда паст бўлиб, Ўзбекистонда 2002 йилдан бошлаб ғўза пайкалларида қўллашга рухсат этилган.

Жинстар СК-Германиянинг "Байр Кроп Сайенс" фирмасида яратилган. Жинстар дефолианта 2003 й илда Ўзбекистон Давлат Кимё комиссияси томонидан

синаш учун таъвсия этилган, оқ рангда, сувда эрувчан, қуюқ ҳолатда, ўзига хос кучсиз ҳидли, кам захарли, таркибида 360 г/л тидиазурон ва 120 г/л диурон таъсир этувчи моддасидан ташкил топган. Жинстар дефолианти ўрта толали ғўзаларда кўсақлар 45-50 % очилганда 0,1-0,2 л/га меёрида қўллаш тавсия этилади.

Дарон супер СК-Панаманинг «Далстон Ассошиэйтед С.А»фирмасида яратилган. Далрон супер оқ рангда, сувда эрувчан қуюқ ҳолатда, ўзига хос кучсиз хидли, кам захарли, таркибида 360 г тидиазурон + 180 г диурон моддалардан ташкил топган. Далрон супер дефолиантини ўрта толали ғўзаларда кўсақлар 40-45% очилганда 0,1- 0,2 л/га меёрларда қўллаш тавсия этилган.

Яничар СК -Россиянинг "Щелкова Агрохимия" ЁАЖ да ишлаб чиқарилган маҳсулот бўлиб, таъсир этувчи моддаси 360 г тидиазурон+180г диурон моддалардан ташкил топган. Яничар перипарати оқ рангда, сувда эрувчан қуюқ ҳолатда, ўзига хос кучсиз хидли, кам захарли модда ҳисобланади. Ўзбекистонда 2007 йилдан бошлаб ўрта толали ғўзаларда кўсақлар 40-45% очилганда 0,2-0,2 л/га меёрида қўллаш тавсия этилган.

Юқоридаги бу дефолиантлар ўз муддатлари ва меёрларини олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган, Мен уз битирув малакавий ишимни Яничар ва Суяқ ХМД дефолиантлари билан ишлаб, Бу дефолиантларнинг мақбул муддатлари ва меёрларини Республикамизни пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига ўз таъвсияларимни бермоқчиман.

3.2. С 6524 ғўза навининг биологик тавсифи.

Бу нав А.А.Автонов, В.А.Автономов, В.С. Ристаков, Т.Й.Йулдошев, А. Т.Циба томонидан Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш институтида яратилган.

Хирзитум турига мансуб. 1988 йлда Андижон, Жизах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоялари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи -115-120см, ихчам, ётиб қолмайди. Барги ўртача катталиқда,

тўқ яшил рангда. Гули ўртача катталиқда, оч сариқ рангда бўлиб, доғсиз. Кўсаги тухимсимон, яхши очлади, ҳосили тўқилмайди. 1000 догна чигитинг вазни 121г.

Патанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 34,0 (Охунбобоев НСШ)-37,1ц.(НСШ)

2000-йилда Пискент нав синаш шохобчасида юқори агратехник шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 45.8 ц.ни, 30 сентябрдаги теримида 38,1 ц.ни ташкил қилган.

Амал даври - 127 (О. Хунбобоев НСШ) - 131 кун (Богдод НСШ). Битта кўсақдаги пахтани вазни 4,8-5,5 г.Тола чақиши -34,3- 36,2 %. Вильт билан касаланиш даражаси 9,7 % (Богдод НСШ) дан -52,9 (Охунбобоев НСШ)гача.

"Сифат" маркази маълумотиға кўра, тола сифати кўрсаткичлари микронейр 4,3-4,7, тола узунлаги (УН) 1,10-1,14дюйм,тола узунлиги (код)35-37, нисбий узулиш кучи 29,1-32,5 гк/текс.

3.2.1-жадвал

Ўзанинг қўлланилган дефолиантларни меъёриға боғлиқ ҳолда курук масса туплаши.

2008 й. (ЎзПТИ маълумоти).

| № | Дефолиантларнинг тури ва мьёрлари, л/га | 2-3 чин барг | Шоналаш да | гуллашд а | Пишишда | | | |
